

Октябрь байрамини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олайлик, тани-жони соғ ҳарбир киши пахта майдонида бўлсин, йиғим-терим суръатини кучайтириш учун ҳамма имкониятларимизни тўла сафарбар этайлик!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

214 (1734) 28 октябрь, 1960 йил, жума Баҳоси 20 тийин.

БИР ГРАММ ҲАМ ПАХТА НОБУД БЎЛМАСИН!

Момикдек «оқ олтин» донлари тупроқда, лойда қорилиб ётсаю, бепарво ўтиб кетаверсаю, юрагимиз ачинадими! Пахтаимизнинг, элимиз бойлиги ва ифтихоримизнинг нобуд бўлишига йўл қўётган ноинсоф, бепарволарга нисбатан индамай ўтиб бўладими!

Агар сен колхозимиз кудрати яна ҳам ошса, пахтакор ва механизаторларимиз турмуши янада фаровон бўлсин, эл бойлиги кўпайсин, совет мамлакатини янада кудратли, янада тўзал бўлсин десанг, эл бойлигини пахтаимизнинг бир граммининг ҳам чанокда қолдирма, нобуд бўлишига йўл қўйма! Ахир, граммлардан тоналлар, ҳа, миллион тоналлар бунда келади-ку! Халқ бойлиги ҳам граммлардан йиғилиб, умумхалқ хазинасига тушади, эл-юртин кийинтиришга, кишилар бахт-саодати йўлида сарфланади.

Мана, йиғим-теримнинг ҳақи қилувчи дамлари келди. Вақтида нобуд қилмай териб олсанг ютасан, планинг ҳам тўлади, юзинг эрув бўлади, агар ишни бўшаптириб юрсанг, бепарволик қилсанг, пахтаимиз нобуд бўлишига йўл қўйсанг, юзюксансан, ваъдангиз бажаролмасан, эл-юрт олдига юзинг шувур бўлади.

Ҳаво ҳам айланб қолди. Бугунги ҳисоблаб кўрсанг кўзинг чоранг қилиб, қиш ҳам қишқичини кўтариб келаяпти. Бели маҳкам бўйлаб, ишга қатъий киришадиган вақт келди. Ҳавонинг терим учун ноқулайлиги ишчимизни анча қийинлаштириши мумкин. Шундай вақтларда агар бепарво бўлсанг пахта нобудгарчилиги яна ҳам кўпайиши мумкин. Бунга йўл қўйма! Пахтаимизнинг терим вақтида, турсуноқ тортинда, хирмонда қўриқинида, пахтаимиз қоплашда, машина ва аравага ортинида, бункердан бўшашида, худлас ҳамма жойда кўз қўлоқ бўлиб туриш керак.

Йонқуяр, ишнинг қўзини билладиган ҳўжаликларнинг раҳбарлари нобудгарчилик колхозга, совхозга қанчадан-қанча зарар келтиришини тўғри тушуниб етиб, пахта нобудгарчилигига қарши актив кураш олиб бораётдилар. Масалан, Янгйўл районидagi Ленин номи колхозининг бу соҳада олиб бораётган ишлари мақтовга сазовордир. Колхоз правленисоти, бошланғич партия ташкилоти нобудгарчилиikka қарши кураш олиб бориш учун алоҳида постлар ташкил этган. Кўчалар четига, хирмонларга тўқилган пахталарини солиш учун махсус ашиклар ўрнатилган. Махсус тузилган пионерлар пости тўқилган пахталарини териб, колхоз хирмонида топширадилар. Колхоз қариялари нобудгарчилиikka қарши курашда правленеге айнайска катта ердан бермоқдалар. Шунингдек, Ўрта Чирчиқ районидagi «Полярная звезда», Янгйўл районидagi «Коммунизм» колхозларида ҳам нобудгарчилиikka қарши актив кураш олиб боришмоқда.

Ленин, масаланинг иқтисодий ва сийбон томонини яхши тушуниб етмаётган айрим ҳўжаликларнинг раҳбарлари пахта нобудгарчилигига қарши қатъий кураш олиб бораётдилар. Масалан, Бекобод районидagi 1-«Далварзин» совхозини олиб кўрайлик. Бу совхозга бориб қолсангиз йўл четларида, уватларда, хирмонлар атрофида билан бажарайлик!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Шаҳарлик мададкорлар учун кўчма Қизил байроқ таъсис этилди

Тошкент шаҳрининг меҳнаткашлари ўз оталигига олган колхоз ва совхозларда 26 октябргача 33 минг тонна пахта териб бердилар. Ленин, Киров ва Октябрь районларининг коллективлари пахта теришда энг юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Ленин районининг меҳнаткашлари масум бошдан бери 8700 тонна пахта тердилар. 21 октябрдан 25 октябргача 9,32 процент миқдорда пахта топшириб, юқори меҳнат унумдорлигига эришдилар.

Киров районининг коллективлари ҳам хирмонга 6180 тонна пахта тўқдилар. Ўтган 5 кун ичида эса 9,15 процент ўсшига эришдилар.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва шаҳар ижроия комитети оталикка олинган колхоз ва совхозларда пахта тарафтан шаҳар районлари ўртасида социалистик мусобақа янада кучайтириш мақсадида энг юқори кўрсаткичларга эришган районларга топшириш учун кўчма Қизил байроқ таъсис этилди.

Шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи ўтган беш кунликда яхши натижаларга эришган Ленин районига берилди. (Район партия комитетининг секретари Содилов, район ижроия комитетининг раиси Пискорская, район комсомол комитетининг секретари Салдинников ўртоқлар). Шунингдек Киров район меҳнаткашларининг (район партия комитетининг секретари Усмонов, район ижроия комитетининг раиси Браилов, район комсомол комитетининг секретари Орипов ўртоқлар) ўтган беш кунликда яхши ишлаганликлари қайд қилинди.


ТОШКЕНТ — ИВАНОВО МУСОБАҚАДОШЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 43 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашиб ва Ўзбекистон иқтисодий райони меҳнаткашлари билан социалистик мусобақани кенг қийинлаштириш мақсадида ИВАНОВО Совнархозининг меҳнаткашлари ялпи махсусот ва буюмларнинг энг муҳим турлари бўйича 10 ойлик топшириқнинг муддатидан илгари — 26 октябрда бажардилар.

Ой охиригача пландан ташқари 280 миллион сўмлик махсусот, шу жумладан 40 миллион метр газмол ишлаб чиқарилади. Ўтган йилнинг худди шу давридаги нисбатан меҳнат унумдорлиги 3,8 процент ошди.

ОБЛАСТИМИЗНИНГ ДОНГДОР ПАХТАКОРЛАРИ 100 гектар ердан 50 центнердан

Ўзбек халқи бу йил 3 миллион 170 минг тонна «оқ олтин» учун кураш олиб боришмоқда. Областимиз пахтакорлари эса ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев номига ёзилган мантибда Ватанимизга 500 минг тонна пахта етказиб бериш ҳақида тантанали равишда ваъда бердилар. Бригаданимиз аъзолари ана шу улкан хирмонга ўз ҳиссаларини қўшишга қарор қилдилар. Улар бу йил ўз зиммаларига 100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 75 центнердан ҳосил кўтарамиз деб, юксал социалистик мажбурият олдилар.



Суратда: Ҳакимполвон ҚОДИРОВ.

Берган ваъдасининг устидан чиқиш учун курашни куздайи бошлади. Экин майдонларимизни суперфосфат солиб, барвақт шудгор қилди. Эрта баҳорда ерни яхшилаб текислаб, чигитни 9—10 кун ичида энг зоти тамомлади ва уни барвақт ҳамда бир текис ундириб олди.

Ўзга парвариши даврида катта қийинчиликларга дуч келди. Ленин бу қийинчиликларни енгиб, барча майдондаги экинга 5 марта узунасига ва 4 марта пўйдалангига ишлов берди. Ўзгани озимлантиришга катта эътибор берилди. Ченанка белгиланган муддатда сифатли ўтказилди.

Ҳосил йиғим-теримига катта тайёргарлик билан киришдик ва уни ушшоқлик билан ўтказмоқдамиз. Терим қатъий графин асосида ташкил этилган. 24 октябргача ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил териб олинди, давлатга ҳаммаси бўлиб 502 тонна пахта сотдик ва плани 100,4 процент қилиб адо этдик. Топширилган пахтаимиз ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди.

Бу йил, айниқса, машина терими нег йўлга қўйилди. Чунки биз машина ҳосил йиғим-теримини тезлаштиришнинг гарови экинлигини яхши билар эдик. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб қинди. Бригадада шу кунгача давлатга топширилган пахтаимиз яридан кўпроғи—265 тоннаси машиналар билан териб олинди.

Ҳозир мажбуриятимиз ҳисобига пахта топширмоқдамиз. Уни ҳам албатта, бажарамиз. Ҳаким ҚОДИРОВ, Пискент районидаги Тельман номи колхозининг бригадари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Турсуной Охунова бригадаси плани бажарди

Донгдор механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова бошлиқ бригада аъзолари бу йил 100 гектар ерга чигитни квадрат уялаб экидилар. Улар йил бошида ҳар гектар ердан 50 центнердан «оқ олтин» етиштиришга сўз берган эдилар.

Қаҳрамон бошлиқ бригада аъзолари 25 октябргача ҳар гектар ердан 32 центнердан — ҳаммаси бўлиб 320 тонна пахта териб олдилар ва давлатга сотдилар.

Пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари бажарган Ўртоқ Турсуной Охунова бошлиқ бригада аъзолари Улуғ Октябрь байрами шарафига социалистик мажбуриятини ҳам тўла бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Ғанишер Юнусов бригадаси рапорт берди

Гулистон районидagi Ленин номи колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, элкен центнерлар ҳаракатининг ташаббускори Ўртоқ Ғанишер Юнусов бригадаси аъзолари ўтган йили ҳар гектар ердан 85 центнердан «оқ олтин» кўтариб эл-юрт олдига, Ватан олдига бурчларини шараф билан бажарган эдилар.

Бригада бу йил ҳам механизацияга суянган ҳолда оз куч билан 100 гектар майдонда мўл ҳосил етиштиришга эришди. Ўртоқ Ғанишер Юнусов бошлиқ пахтакорларининг Янгйўлда бўлиб ўтган кенгашида «Бригаданимиз бу йил гектаридан 65 центнердан «оқ олтин» кўтарди» деб кўпчилигини ишонтирган эди.

Ахдида вафодор бригада аъзолари биринчи давомида ошдилар. Улар ҳар гектар ердан эл хирмонига 32 центнердан ҳосил тўқиб, пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари ошириб бажардилар.

Бригада аъзолари бу йил ҳам ҳар йилгидей машина билан пахта теришга катта эътибор бердилар. Шомирза Жўраев, Абдураман Казоков, Мақсуд Хатамов ўртоқларнинг ҳалол меҳнатлари туфайли бригаданинг 150 тонна пахтаси машина билан терилди ва бу соҳадаги топшириқ тўла бажарилди.

Ҳали далада ҳосил мўл. Ориятли, ҳиммати баланд, ғайратли эр бригада аъзолари зиммага олинган мажбуриятини ҳам ошириб бажариш учун терим суръатини кундан-кунга кучайтирмоқдалар.

Қўйилган суратда: ўнгида догдор бригада бошлиғи Ғанишер ака Юнусов машина терими юзасидан берилган топшириқни ошириб бажарган Ш. Жўраев, А. Казоков ва Мақсуд Хатамов ўртоқларини кўталамоқда.

В. Салов фотоси.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА 1967 йилда Москвада Жаҳон виставкаси ташкил этиш тўғрисида

СССР Министрлар Совети 1967 йилда 20 майдан тортиб 20 ноябргача Москвада Жаҳон виставкаси ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу виставка халқаро виставкалар тўғрисидаги конвенцияга ва Халқаро виставкалар босорининг қарорига мувофиқ ташкил этилади.

1967 йилда Москвада очиладиган Жаҳон виставкаси «Тараққиёт ва тинчлик» шiori остида уюштирилади.

Жаҳон виставкасида қатнашиш учун барча давлатлар, шунингдек халқаро ташкилотлар таклиф этилади.

Бу виставка барча мамлакатларнинг, улардаги давлат тузуми ва социал система қандай бўлишидан қатъий назар, экономика, фан, техника ва маданият соҳаларида эришган муваффақиятларини намоён қилиб кўрсатишлари учун кенг имконият яратиб беради.

Жаҳон виставкасининг ташкил этилиши совет халқининг ҳаётидаги шiori пайта — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги билан бир вақтга тўғри келади.

СССР Министрлар Совети ўз қарорига Совет Иттифоқида Жаҳон виставкасининг ташкил этилиши халқаро ҳаётида катта воқеа бўлади ва мамлакатлар ўртасида иқтисодий, савдо-сотиқ, техника, илмий ва маданий алоқаларни кенгайтиришга ердан беради, деб таъкидлади.

Халқлар ўртасида тинчлик сийбонини доим ўтказиб келаётган Совет Иттифоқи халқ ҳўжалигини ривожлантириш, мамлакатимиздаги барча халқларнинг фаровонлиги ва маданиятини ошириш соҳасида эришган муваффақиятларини Жаҳон виставкасида намоён қилилади.

1967 йили Жаҳон виставкасида барча иттифоқчи республикалар қатнашадилар.

СССР Министрлар Совети 1967 йилда Москвада уюштириладиган Жаҳон виставкаси Давлат комитетининг СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари Ўртоқ А. Н. Косигин раислигида ташкил этди.

Ўртоқ Н. П. Дудоров 1967 йилда Москвада ташкил этиладиган Жаҳон виставкасининг бош ҳукумат комиссари қилиб тайинланди.

БАТАНГА ИККИ МИЛЛИОН ТОННА ПАХТА ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистоннинг колхоз ва совхозлари тайёрлаш пунктларига икки миллион тоннадан зиёд пахта топширилди. Шундан уч юз минг тоннадан кўпроғи машиналар билан териб олинган.

Хоразм областининг ҳўжаликлари ўтган йилдаги кўрсаткичлардан республикада биринчи бўлиб ўзиб кетдилар. Область ҳўжаликлари ўтган мавсумнинг шу давридаги нисбатан деярли 35 минг тонна кўп «оқ олтин» териб олдилар. (ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКАМИЗ ОБЛАСТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ҚАНДАЙ БОРЯПТИ

27 октябргача Хоразм области бир кунда 1,38 процент, мавсум бошдан бери 79,86 процент, Андижон области бир кунда 0,21, мавсум бошдан бери 74,35 процент, Сурхондарё области бир кунда 1,02, мавсум бошдан бери 69,57 процент, Фарғона области бир кунда 0,38, мавсум бошдан бери 65,57 процент, Қорақалпоғистон АССР бир кунда 1,22, мавсум бошдан бери 65,29 процент, Тошкент области бир кунда 0,61, мавсум бошдан бери 61,17 процент, Самарқанд области бир кунда 1,39, мавсум бошдан бери 58,64 процент, Бухоро области бир кунда 0,73, мавсум бошдан бери 57,53 процент пахта тайёрладилар.

Пахта ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ

(27 октябргача бўлган маълумот)

Районлар номи	Бир кунда процент ҳисобида		Мавсум бошдан процент ҳисобида		Машина терими, мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида	
	Мажбурият	План	Мажбурият	План	Бир кунда	Мавсум бошдан
Юқори Чирчиқ	0,09	0,11	87,27	107,03	—	102,60
Қуйи Чирчиқ	0,78	0,89	67,05	77,13	0,65	65,22
Ўрта Чирчиқ	0,15	0,16	64,57	70,88	0,39	37,53
Бўқа	0,64	0,70	61,85	67,64	1,77	61,80
Чиноз	0,51	0,55	61,33	65,45	0,89	32,58
Пискент	0,46	0,51	60,38	67,08	1,54	53,10
Сирдарё	0,62	0,66	56,25	60,18	1,54	47,67
Оққўрғон	0,74	0,81	55,28	60,63	1,45	43,13
Янгйўл	0,43	0,48	50,73	57,53	0,55	37,26
Оржоникидзе	0,07	0,08	49,51	57,80	0,32	28,40
Гулистон	0,39	0,45	48,71	55,89	1,03	33,29
Янгйер шаҳри	0,92	1,00	46,22	50,20	1,76	44,94
Бекобод	0,89	1,03	44,70	51,76	1,60	35,04
Область бўйича	0,55	0,61	55,66	61,17	1,24	42,90

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети чуккур қайғу билан хабар қиладиларки, артиллерия Бош Маршали, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, ССР Иттифоқи Олий Советининг депутаты, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Мулофаа Министрининг ўринбосари ва СССР Ракета қўшинлари Бош қўмондони, Совет Иттифоқи Қурулди Кучларининг энг кўзга кўринган ҳарбий арбоблари ва қурувчиларидан бири, Улуғ Ватан урушининг донг кетган қаҳрамонини бажариш вақтида, авиация фалокати натижасида ҳалок бўлди.

Артиллерия Бош Маршали М. И. Неделин Москва шаҳрида Қизил майдонда дафн этилади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ



М. АХМЕДОВ,
Х. ШАРИПОВ.

„ОҚ ОЛТИН“ИМИЗНИНГ БИР ГРАММИНИ ҲАМ НОБУД ҚИЛМАЙЛИК!

ПАХТАДАН НИМАЛАР ОЛИНАДИ

Республикада пахта ҳосилдорлиги йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ўтти йилликнинг охирига бориб Ўзбекистон мамлакатига 3600 — 3800 минг тонна пахта етказиб бериши керак. «Оқ олтин» ҳосилини етиштириш учун эрта баҳордан бошлаб астойдил меҳнат қиламиз. Бепосн даладарда қўшқар қийғос очилиб, ҳаммаёқ оппоқ либос билан бурғиланиб диққат-эътиборимиз уни сира нобуд қилмай териб олиб, давлатга топширишга қаратилади. Этак тутиб, дурдона пахтани тараётган кўпминг килограмми чевар термичилар, пўлат агрегатларда дадиллик билан ишлаётган механик-ҳайдовчилар ўзлари териб топшираётган бойликдан қанча-қанча нарсалар олинишини билишмайди деб айтиш хато бўлур эди. Лекин мўл ҳосилни йиғиб-териб олиш учун қизғин кураш бораётган ҳозирги кунда бу ҳақиқатни жамоатчиликнинг эсига солиб қўйиш фойдалан ҳоли эмас.

Бир тонна ПАХТАДАН 350 КИЛОГРАММ ТОЛА, 600 КИЛОГРАММ ЧИГИТ, 30 КИЛОГРАММ МОМИҚ, 4 КИЛОГРАММ УЎЛҚОК ВА МОМИҚ, 16 КИЛОГРАММ ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ ЧИКИНДИЛАР ОЛИНАДИ.

Тола, чигит, момиқ қандай қилиб ишлатилади? Заводда машиналар ердамида чигит устидаги тола акратиб олинган, прелланиб қайтадан ишлатишга юборилади. Бу йигирувчан тола деб аталади. Бу тола тўқима-чилик сановати учун энг қimmatли хомашедир. Йигирувчан тола фабрикаларда йигирилиб, унда хилма-хил тўқималар, хусусан чигит, сатин, майя, батист, шифон, кашмир, шатланди, маризет, зефир, тафта, ливос, шунингдек костюм ва чопон учун илпик, кө-верток, габардин, трико, вильон, тун, ярим дубоха, чиндубоха, сукно каби материаллар тайёрланади.

Бундан ташқари, йигирувчан толадан техника мақсадларида ҳам бир неча хил буюмлар — жумладан сановат ва транспортда қўлланмиш учун привод кийимлари, фильтрлар, корд тўқималари, транспортёр ленталари, электр-изоляцияцион ленталари, арқон, пилли, хилма-хил қайиш ва ҳоказо нарсалар тайёрланади.

Шу билан бирга пахта толасидан махсус машиналар ердамида трикотаж тўқималар ҳам ишлаб чиқарилади.

Кўриниб турибдики, пахта бебаҳо бойлик. БИР КИЛОГРАММ ПАХТАДАН УРТА ҲИСОБДА 20 МЕТР БАТИСТ ЁНИ 12 МЕТР ЧИГ ИНИ 5 МЕТР ЧОЙШАБЛИК ПОЛОТНО ОЛИНАДИ. Демак, шундан экан, ҳурматли колхозчи, совхоз ишчиси, термичи ўртоқ, ҳо-

зирги кунда буни чуқур ҳис қилган ҳолда меҳнат қилиш лозим. Терим вақтида шомша-шомарлик қилиб, чаноқларда қолдириш ярамайди. Юқоридан қўриниб турибдики, чаноқларда қолдирилган пахталар жамланганда ундан қанчадан-қанча қimmatли хомаше олинади.

Юқоридан биз пахтанинг толасидан олинган нарсаларни айтиб қўйиб, Чигитнинг устидаги момиқдан олинган нарсаларни айтмаймиз? Момикдан сунғий штапель, сунғий шина, фотоленка, сунғий тери, клеенка ва бошқа материаллар тайёрланади. У целлолоза олиш учун энг қimmatли хомаше ҳисобланади. Шунингдек целлолозадан сунғий тола ва пластмасса ҳамда кимёвий материаллар вукуйда келтирилади. Сиз баъзан кимйиларимизнинг эгинда чиройли қилиб тикилган, ялтираб турадиган кийим-кечақларни кўриб, роса яхши ипакли материалдан тикилдики, деб ўйласиз. Шунда янгилиб қилишингиз ҳам мумкин. Негаки, ҳозирги пайтда ипак буюмлари фақатгина пилла толаларидан тайёрланибгина қолмай, балки ана шу биз юқоридан айтган, пахтадан олинган целлолозадан ҳам кимёвий усуллар билан тайёрланади. Бундай шови буюмлар пишиқлиги билан табиий шойлардан жуда кам фарқ қилади. Буқласангиз тикимланган эларни қолмайди.

Кейинги вақтда кўпбал миқдорда ишлаб чиқарилаётган штапель тўқима вискоз ипакнинг бирдан-бир намунаси.

Бундан кўриниб турибдики, пахта толасидан бениҳоя кўп материаллар ишлаб чиқарилади. Келгусида ундан олинган махсус лотларнинг тури яна ҳам кўпайди.

Катта аҳамиятга эга бўлган пахтанинг чигити ёр сановатида асосий хомаше ҳисобланади. Заводларда экстракция усули билан чигитдан 18 процент ёр акратиб олинади. Республиканинг Иттифоққа 20 процент ўсимлик ёри етказиб бериши. Еттиги чикиндиларидан глицерин, алф, лак ва бўёқлар, ўсимлик қаттиқ мойлари, атр совуналари ва кўр ювчи совуналари тайёрланади. Пахта шелухаси эса қоромолларнинг энг яхши озуқаларидан биридир.

Булardan ташқари, пахта баргидан лимон ва олма кислоталари олинади. Мамлакатимизда ҳар йили 3 — 4 минг тонна олма ва лимон кислоталари истеъмол қилинади. Хуллас, бундай кимёвий усулларда олинган махсус лотлар бениҳоя кўп. Шунинг учун ҳам пахтани ҳақли равишда «оқ олтин» деб атайдилар. Мамлакатда 3.170 минг тонна пахта етказиб бериш учун қизғин кураш кетаётган ҳозирги кунларда далада меҳнат қилаётган ҳар бир киши бунни чуқур ҳис қилиб меҳнат қилиши, етиштирилган ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай териб топшириш учун курашини лозим.

Анвар ҒЎЗОВ, кимё фанлари кандидати.

Ильич номили колхоз машина терими планини бажарди

БҲКА (телефон орқали олинди). Ильич номили колхоз машина терими планини бажарди. Бу ерда терим агрегатлари билан 260 тонна пахта териб топширилди. Колхознинг моҳир механик-



МУЗАФФАР

(Илғор механик-ҳайдовчиларга бағишланади)

Кенг қўйнидан чинмай пахта майдонини, Йўрғалатиб пўлат отин, полвонин Буннерларга уқ момиқ хирмонини —

Уриб жавлон Марди-майдон Музаффар. Зап келишган эр йигитнинг

Улфатига қандан ширин суҳбатини, Ишда эса филдан эида нувати, Эл фарзанди

Ҳам дилбанди Музаффар. От минганда отнинг бели толгуден, Чапдастиги учар қўшини

Сиёҳидан Йўлбарсга чанг солгуден Эр биланки, Шер юрали Музаффар.

Лопаларнинг унар жойи қир бўлур, Қоранўлнинг кўркам тўси сур бўлур,

Танти йигит сўзи доим бир бўлур, Ҳам аҳди бир, Ҳам бахти бир Музаффар.

Тонгден сулув пахтазорининг жамоли, Ғир-ғир эсиб ором берар шомоли, Мен-мен деган шунқорларнинг тимсоли

Қалби оташ Ҳам меҳнатнаш Музаффар.

Ямин ҚУРБОНОВ.

НОБУДГАРЧИЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙМИЗ

Бизнинг колхозда 2950 гектар пахта майдони бор. Мажбуриятга мувофиқ ҳар гектар ердан 30,5 центнердан ҳосил олиб, давлатга 9000 тонна пахта сотишимиз керак. Вазифамиз катта. Бу мақсадга эришмоқ учун етиштирилган ҳосилни сира нобуд қилмай, йиғиб-териб олишимиз лозим.

Айниқса бизнинг колхоз шаронига нобудгарчиликка қарши кураш жуда муҳим аҳамиятга эга. Ермиш жуда кенг, йўлларимиз кўп. Колхозимизнинг бир четидан иккинчи четигача 20-30 километр йўл юришимиз лозим. Шу сабабли биз даладарда, катта йўлларда, хирмон атрофларида пахтанинг тўқилиб, нобуд бўлишига қарши талбирлар белгилдик.

Тўқилган пахтани териб олиш вазифаси яхши бажарилишини таъминлаш мақсадида дала йўллари ҳар қайси бригадалага ажратиб берилган. Катта кўчаларда тўқилган пахталарни териб олиш учун 4 киши ажратилди. Бу ишда Тожибой Одилов, Холимура Тожибоев, Амрхамза Камолов каби қарияларимиз бизга яхши ердам беришпти.

Колхоз ёшлари, пионерлар тўқилган пахтани териб олиш учун йўлларда 200 га қичин яшиқ қўйиб қўйдилар. Ўзлари ҳам пахта нобудгарчилигига қарши курашда ердам бермоқдалар. Бу йил биз машина билан 800 гектар ердан 1600 тон-

на пахта териб олишимиз лозим. Колхозимизда 12 та машина ишлаб туришти. 5, 6, 7, 15 ва 16-бригадаларда машина терими вақтида эгитилган тўқилган пахталар териб олинди. Бу ишни колхозчиларнинг ўзлари бажармоқдалар.

Тўқилган пахтани териб олишга ҳамма бригадаларни бирдан қўйиб бўлмайди. Бунда қундалик терим суръати пасайиб кетиши мумкин. Шу сабабли биз бу ишга ишчи кучларини навбат билан ажратипми.

Машина билан пахта терилган ерлар атрофи текислангани учун бир қанча гўза юлиниб, уватларга чиқариб қўйилган. Мава шу гўзаллардаги пахтани териб олиш вази-фаси хирмонда ишловчиларга юклатилди.

Ҳозир колхозимизда йиллик план 65 процентдан ошди. Қўнига икки процент миқдорда пахта топшириб турибми. Илғор бригада бошлиқларимиздан Акрам Нишонов, Нор-мирза Эшов, Фозил Қўчқоров ва бошқа ўртоқлар маргага етиб қолдилар. Меҳнатсевар колхозчилари-миз айни пайтга барча ҳосилни сира нобуд қилмай териб олиш, 10 ноборгача йиллик планни бажариш учун астойдил курашмоқдалар.

Ж. МҲМИНОВ, Янгиёул районидagi Ленин номили колхоз раиси.

800 тонна пахта ташийман

Колхоздан пахта пунктига борадиган катта йўлларда тўқилиб ётган пахталарни жуда кўп учра-тиш мумкин. Бу шоферларнинг иши. Агар шоферлар машиналарга пахтани яхши жойлаштирама, қўннинг оғзини ичкарига қараб орттирмаса, дарахт тагларидан эҳтиётлик билан ўтмаса, пахталар йўлларда тўқилиб, исроф бўлаве-ради.

Мен бу йил насбдошим Абду-рашид Абдурахмонов билан мусо-

бақалашиб, мавсумда 800 тонна пахта ташиш ва пахтани исроф қилмаслик мажбуриятини олган-ман, Ҳозиргача 400 тоннадан кўпроқ пахта ташидим. Биз ҳар ик-калани олган мажбуриятимизни бажариш ва йўлларда пахтани нобуд қилмаслик учун астойдил курашамиз.

Ҳужмабой ҲАЙДАРОВ, Ўрта Чирчиқ районидagi «Ленин йўли» колхозининг шофери.

Уларни пешма-пеш териб туриш учун одам ажратиб қўйилмаган.

Хом пахтани териб совхознинг ҳамма бригадаларига ҳам учраб турадиган ҳодиса. Бунга Каттавандаги пахта пункти ҳодимлари ҳам тасдиқлайдилар. Пунктга қўнча пахта келтирилади. Ёнига пункт ла-бораториясида жуда кўп мисоллар келтириш мумкин.

«Фарҳод» совхозида ҳосилнинг қўнчилиқ қисми — ифос бўлаг-лиги учун 47 тонна, ҳўл бўлганли-ги учун 39 тонна, жами 86 тонна пахта скидкага чиқариб ташланган. Бундан ташқари, ҳўл ва ифос пахта топшираётганлиги учун совхоз да-латта 7100 сўм штраф тўлаган.


Демак, хом пахта териб совхозга кўп зарар келтирмоқда. Агар совхоз раҳбарлари бу камчиликка йўл қўй-масалар, икки томонлама фойда қи-лар эдилар. Биринчидан, скидка ва штрафлар тўланмасди, иккинчидан, хом пахта пишиб, чигити тўларди, толаси узарди. Бу ҳам қўшимча центнерларни ташкил қилган бўла-ди. Сўнгра, пишган пахтани олган тўқимачиларимиз пахтакорлардан гўят мамнун бўлиб, пишиқ, чидамли, чиройли газламалар ишлаб чиқар-ган бўлардилар.

Кўриниб турибдики, «Фарҳод» совхозининг раҳбарлари фақат план-ни тезроқ бажаришни ўйлаб, зарар устига зарар кўрмоқдалар. Тўғри-си, қош қўямиз деб, кўз чиқармоқ-далар.

С. СУЛТОНОВ, «Тошкент ҳақиқати» нинг мухбири. А. ШЕРБОВЕВ, «Ленин йўлидан» газетаси-нинг ҳодими.

„ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ“

3 БЕТ, 28 ОКТЯБРЬ, 1960 ЙИЛ.



— Тўқилган пахтани териб олинг! Унинг ҳар грамми ол-тин билан тенг эканини унутманг!
П. Шестаков ишлаган фотомонтаж.

ДУРДОНА БУ...

Тун чодирини йиққанда — қўш билан бирга уйгонган, кумуш соқо-ли тош шабадасида кенг кўксиди сил-киллаб турган нуруний ота яна кенг асфальт йўл ёқасида — ўз постида сергак. Унинг қўлида ҳозиргина ер-дан териб олинган бир ҳовуч пах-та. Йўқ, бир ҳовуч пахта эмас, то-лаларин чанг босган бир ҳовуч дур-дона бу!

Шу бир ҳовуч пахтада ёз бўйи тиним билмай, ағатларин оралаб, гўзани меҳр билан парварिश қилган қизнинг, универсал рузини қўлида маҳкам ушлаб, мўл ҳосил пойдево-рин кўрган механикаторнинг, тун-ларини бедор ўтказиб, ҳар бир туп гўзача ҳаёт суви бахш этган мириш-кор сувчининг манглай тери бор, обрў-этибори бор!

Кўз олдидида келтиринг, тасав-вур қилиб кўринг, шу нуруний ота-нинг эғиниди яхтига, шўх қизлар бошидаги ҳилираган дуррача, пио-ниер бўйидаги олов ранг галстуги шу бир ҳовуч пахтанинг маҳсуни-дир, унутманг!

Усти-бошимизнинг бутлиги, эл-юртнинг тинчилиги, мамлакат ободли-ги, ҳа, барчаси ҳам пахтадан. Мил-лий ифтихоримиз, халқларимиз дўст-лигин ердин тимсоли бўлган «оқ олтин» дурдонасин ким қадрига ет-маса, етмас ўзин қадрига.

Сидарелик Жавод ҳам, янгиер-лик Насиб ҳам, чинозлик Турсу-ной-у, бўқалик Саодатлар «тез-у, тоза тер» дейди. Уларнинг бу сўзи-да олам-олам мазмун бор. Кузу-қиш-нинг аччиқ шабадасини ялаб, руял бураб ер ҳайдаган, эўр мақсад-умид билан мўл ҳосил уруғини ташлаб ер-га ташлаган, хирмоним баракали бўлсин, обхоримиз донга тўлсин, эл-юрт олдиди юзимиз ёруғ бўлсин, деб шу долзарб кунларда пахта да-лаларида жалолан ураётган ҳар бир миришкор дехдон ана шу дўстлари-нинг «тоза тер» деган сўзларининг маъносини, бир ҳовуч пахтанинг ҳар грамми олтин билан бақарав ў-чанишини ўз қалбиди чуқур ҳис қи-лади.

Ҳа, шундай. Сўфитўғрай уйгон-масдан эгат оралаб, оқшом палласи тарозига қанор қўйган чевар терим-чининг дилида, фурсатини қўлдан бермай, бунерларни тўлатиб, «оқ олтин» хирмонига барака киритуви механик-ҳайдовчининг юрагиди — дилида худди ана шу фикр кеча-кундуз ҳукмрон. Қайси азамат дех-дон ўз бойлигининг зарра қисми нес- нобуд бўлишига бепарво қар-ар экан?! Оёқларинг остида қўннинг нурун олдуви дурдона чанга ётса, кимнинг жони ачишиб, юраги «жи-з» атмайди!

Ота тетик, йўлида давом этади. Тўқилган пахтанинг ҳар толасини меҳр билан авайлаб, пуф-пуфлаб қўйнига ташлайди у. Ҳар замон-ҳар замонда одиларга боқад, икки қо-ши ўртасида туғунча пайдо бўлади. Дехдон меҳнатининг қадрига етол-маган қайси шофер экан у, қайси бир аравақашининг бепарволиги ту-файли тўқилган дурдона бу! Наҳот-ки шу кишилар эл давлати — бойли-гин нес-нобуд бўлишига зарра ачин-масалар. Ота-боболаримиз «тома-

тома кўл бўлур, томмай қолса чўл бўлур» деган ҳикмати гапни бечиз айтмаганлар-ку. Граммлардан тонна-лар ҳосил бўлар муқаррар. Ана шу тонналардан кўкка томон бўй чўзиб, тинчликнинг улкан-улкан хирмон-лари уюлар!

— Ҳўв ўғлим, отингни секинроқ ҳайда, қанорларин яхши жойламаб-сан, пахтаг тўқияпти, бойлигинг тўқияпти, кетинга бир назар сол, — ундаб дейди отахон.

Машиналар кетидан машиналар турна-қатор бўлиб ўтиб қолади. Ўз ишига эҳтиёткор шоферлар юқини эҳтиётлаб, рузини секин бурганда отахоннинг юзиди табассум пайдо бўлар. «Балли сенга, жигарим, сен дехдоннинг чинакам дўсти экансан» деб лаблари пичирлайди.

Ҳеч кимга бу сир эмас. Бугунми ё эрта ҳавога бузулти қиқиб, эҳтиёт-сиз кишилар тўқиб кетган дурларга совуқ томи ташлайди. Ёз бўйи ғайрат қилиб, мўл ҳосил етиштир-ган дехдонга маслаҳат шу: «Бир грамм ҳам пахтанимиз ерда нобуд бўл-масин, бир грамм ҳам пахтанимиз ча-ноғиди қолмасин!» Бугунги шiori-миз ана шундан иборат!

У. ЖОНГИТОВ.

Пионер постлари яхши ишляпти

Пахта терими олдидан районимиз мактабларида пионер постлари таш-кил қилинди. Мактабларнинг компо-мол ташкилотлари, айниқса, бош пионер вожатилар бу постларнинг ишини намунали ташкил қилдилар.

Биз, айниқса, Мирзачўл шаҳар мактаблари ҳузурида ташкил қи-линган постларнинг ишига катта эътибор бермоқдамиз. Чунки, кол-хоз ва совхозларда тўқилган пахта-ларни териб олиш учун алоҳида ки-шилар ажратилди. Шаҳарда бун-дай эмас. Бунинг устига шаҳарча-мизда пахта тозалаш заводи бор. Жуда кўп колхоз ва совхозлар те-рилган пахтани шу ерга топширади. Шунинг учун шаҳар ичида тўқилган пахталарни пионер постлари доим териб беришпти.

Пионерлар пости шаҳардаги мак-таб-интернатда, шунингдек 1-, 3-мактабларда жуда яхши ишлаб ту-рибди. Мактаб-интернатда 20 пост ташкил қилинган. Ҳар бир постада 10 ўқувчи битта яшиқ бор. Мангу-лотлар тамом бўлгандан кейин пост аъзолари ўзларига бириктилган

участкаларга чиқиб, тўқилган пах-таларни терадилар. Бу ишга бош пионервожатий ўртоқ Нафиса Ҳу-таева бошчилик қилмоқда. Петя Бондаренко, Коля Игнатьев, Саша Ливнев сингари пионерлар бошқалар-га намуна бўлиб ишламоқдалар.

1-ўрта мактабда 26 та пост иш-лаб турипти. Бош пионер вожатий ўртоқ Зияки Қўмонбетова пионер-ларнинг пахта нобудгарчилигига қар-ши олиб бораётган ишларига бош-чилик қилаётди. 3-нчи мактабда ҳам шундай. Бу ерда ташкил қилинган 17 та пост аъзолари «Заводская», «Советская», Карл Маркс номили, Пушкин номили кўчаларда тўқилган пахталарни ўз вақтида йиғиб олмоқ-далар.

Пионер постлари Ленин номили колхоздаги 10, «Красная Заря» кол-хоздаги 7 ва «Ленинград» колхо-зидagi 5 ўрта мактабларда ҳам на-мунали ишляпти.

Раёно ОЛЛОМУРОВА, Гулистон район комсомол ко-митетининг биринчи секретари.



Пахта ўзбек халқининг миллий ифтихоридир, унинг бир грам-мини ҳам нобуд қилмаймиз. Ҳамма шу фикрни айтади. Сиз суратда кўриб турган пионер қизнинг дилида ҳам ана шу фикр ҳукмрон.

А. Абальян фото этюди.

Напр. А. 1903.